2006 YIL 10 MAY, CHORSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 56 (7.049). Sotuvda erkin narxda

**Шуни ҳам унутмайликки, бугунги кишиларга, хусусан, буюк келажагимиз бунёдкорларига фақат тарихимиз билан фахру ғурур этиб яшаш кифоя қилмайди. Ғурурли, мард ёшларимиз буюк тарихни яратган аждодларнинг ворислари сифатида “Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдираяпман?” деган тушунча ва интилишни онгу шуурига жойлаб яшаши шарт.**

**Ислом КАРИМОВ**

# Инсон хотираси – муқаддас, инсон қадри – улуғ

**9 май – Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган ушбу умумхалқ байрами мамлакатимизда кенг нишонланди.**



Мустақиллик йилларида бу кун том маънода инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида мужассам этган муҳим тарихий санага айланди.

Ушбу байрам бу гал Ҳомийлар ва шифокорлар йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва қадрлаш – инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Ҳомийлик, саховат ва ҳиммат, меҳр ва мурувват фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шафқат-шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги нишонланаётган шу кунларда юртимизда Хотира ва қадрлаш куни алоҳида эътибор билан байрам қилинаётгани теран маънога эга. Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб-жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тунни тонгга улаб меҳнат қилган, ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз матонати ва фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт. Айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, қадрламоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш ва эъзозлаш, оғир жангу жадалларни бошдан кечирган, ярадор бўлиб қайтган кексаларимизни, фронт ортида машаққатли меҳнати билан ғалабага ҳисса қўшган инсонлар, айниқса, оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш ва муносиб тақдирлаш миллий қадриятларимиз қаторидан кенг ўрин олгани қувончли.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 4 майдаги Фармонига мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг пул билан мукофотланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намойишидир.

Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ. Ушбу тушунчалар мустақиллик даври авлоди учун ўзига хос маънавий қадриятга айланди. Илло, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, буюк ғалабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаган ва биз, миннатдор авлодлар бу фидойи юртдошларимизни доимо улуғлаймиз, уларнинг беқиёс матонати ва хотираси олдида ҳурмат билан бош эгамиз.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар кунгидан ҳам гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрган.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган “Хотира китоби”нинг зарҳал варақлари Ватаннинг фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро она қиёфасида изтироб ва умид намоён...

Соат 8.40. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

- Бугун, 9 май – юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган умумхалқ байрами билан барча юртдошларимизни қутлайман, - деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. - Мана шундай улуғ кунда халқимиз шу ёруғ ва фаровон кунларга шукроналар айтиш баробарида, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги учун жангу жадалларда жон олиб-жон берган аждодларимиз хотираси олдида ҳақли равишда бош эгади. Шу билан бирга, бугун ҳаёт, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Ўша пайтда юртимизда қарийб 3,5 миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, улардан тахминан 1,5 миллион нафари урушга сафарбар этилган. Ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун 400 минг нафардан зиёд ватандошимиз уруш майдонларида қурбон бўлган, яна қанчадан-қанча кишиларимиз бедарак кетган.

Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли. Зотан, жанггоҳларда ҳалок бўлган биргина одам ҳам – Инсон. Унинг ҳаёти бемаҳал якун топди, орзу-умидлари рўёбига чиқмай хазон бўлди. Бу йўқотишнинг ортида яна қанчадан-қанча қайғу, ғам-алам, ҳасратлар ётибди. Бева-бечораю етим-есирлар, фарзанди йўлига кўз тиккан онаизорнинг умиду надоматлари мужассам шу биргина аччиқ йўқотишнинг замирида...

Шу маънода, бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида сақланиб қолади.

Юртбошимиз бугунги кунда дунёда уруш таҳдиди наинки мавжудлиги, балки бу таҳдид кундан-кунга кучайиб бораётганига ҳам эътиборни қаратди.

- Башарият ўз тарихида уруш ҳеч қачон ҳеч кимга енгиллик, ёруғлик олиб келмаганига қайта-қайта гувоҳ бўлганига қарамай, Ер юзида урушни хоҳловчилар камаймаётгани ачинарлидир, - деди Ислом Каримов. - Афғонистонда 27 йил олдин бошланган урушнинг оқибатлари ҳали ҳам барҳам топгани йўқ, бу юртда ҳалигача тинчлик ва хотиржамлик кузатилмаяпти. Ироқдаги уруш, Эрон атрофида уруш нафасини уфураётган воқелик ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Урушга йўналтирилган бундай ҳаракатлар нега давом этмоқда? Афсуски, бу саволга жавоб топиш мушкул. Зеро, дунё тарихи гувоҳки, урушдан ҳеч қачон на уни бошлаганларнинг муроди ҳосил бўлган ва на уруш домида қолганларга енгиллик келган.

Шундай экан, урушларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун, аввало, жаҳонда, минтақамизда тинчлик ва барқарорликка асосланган бугунги ва эртанги ҳаётни таъмин этиш керак. Бу йўлда ҳар қандай муаммо тинчлик йўли билан, дипломатия орқали ҳал этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Россия билан Иттифоқчилик шартномасини имзолаганимиз, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон каби йирик давлатлар билан дўстона ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш борасидаги келишувларимиз Ўзбекистоннинг тинчлик ва тараққиёт йўлида қўйилган залворли қадамлари эканини халқимиз, аввало, ёшларимиз теран англашлари лозим.

Энг муҳими, ҳар биримиз ҳар доим огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишимиз даркор. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт ва тараққиёт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз зарур, деди Президентимиз.

Бу борада Ўзбекистон ёшларида муайян тушунча ва тасаввур шаклланганини эътироф этар экан, Юртбошимиз ўзининг айрим таклифларини баён қилди:

- Аввало, ёшларимиз тарихни чуқур ўрганишлари лозим, - деди Президентимиз. - Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни кўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичида қолмади, кимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечаги кун кўргуликлари қайтадан бошимизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечаги кунидан тўғри хулоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди.

Айни чоғда, ёшлар нафақат тарихни пухта ўрганиши, балки шу буюк ўтмишимиз билан ғурурланиб яшаши керак. Чунки, бу бизнинг тарихимиз. Амир Темур каби шавкатли аждодларимизнинг, улуғ аллома ва мутафаккир боболаримизнинг шонли ҳаёти лавҳаларидир.

Шуни ҳам унутмайликки, бугунги кишиларга, хусусан, буюк келажагимиз бунёдкорларига фақат тарихимиз билан фахру ғурур этиб яшаш кифоя қилмайди. Ғурурли, мард ёшларимиз буюк тарихни яратган аждодларнинг ворислари сифатида “Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдираяпман?” деган тушунча ва интилишни онгу шуурига жойлаб яшаши шарт. Эришилган ютуқларимизни янада ривожлантириш билан бирга, бошқалардан ўзишга интилмоқ керак. Ана шунда буюк келажагимизни таъмин этган бўламиз. Аслида, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деган даъватнинг мазмун-моҳиятида айни шундай интилиш мужассамдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг энг ёши бугун саксондан ошган. Ўтган йили худди шу санани 33 минг 572 нафар уруш қатнашчиси жойларда биз билан бирга байрам қилганди. Бу галги байрамгача улардан 22 минг 251 киши қолди. Фахрийларимизни тириклигида қадрлайлик, эъзозлайлик. Уруш қатнашчиларининг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.

Ушбу санани Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонлай бошлаганимизга етти йил бўлди, деди Президентимиз пировардида. Ўтган даврда бу айёмни кенг байрам қилиш юртимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар вакиллари учун одат тусига кирди. Шу маънода, ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлашдек ана шу ҳаётий қарашлар эл-юртимизнинг қон-қонига сингиб бораётгани ва бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз умрининг узвий қисмига, барчамиз учун муқаддас қадриятга айланганини катта воқеадир.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва қадрлаш куни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

***Хотира майдонини сайр этиб юриб, бу ерда самарқандлик танишим Обиджонни учратиб қолдим.***

***– Қандай шамоллар учирди? – сўрадим салом-аликдан кейин.***

***– Бобомнинг руҳларини шод этай деб келдим, - деди у.***

келган Холмурод Ҳакимов. – Аввало, бу менга Яратганнинг инояти. Лекин, минг афсуски, қанча-қанча дўстларимга шу кунларни кўриш, бугунги озод, обод замонларда яйраб яшаш насиб этмади. Ҳар сафар Хотира майдонига келиб, “Китоб”дан бирга жанг қилган қуролдошларимнинг исм-шарифини ўқир эканман, уларни хотирлаб, руҳига тиловат қилиб, таскин топиб қайтади. Эндиликда бундай хотира майдонлари ҳамма вилоятларда ҳам бунёд этилган.

Бу мўъжизавий, бағоят хайрли амал мустақиллик туфайли, юртимиз раҳбарининг ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари билан рўй берди.

Худди ана шу Истиқлол туфайли биз ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини азалий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимизга муносиб тарзда, жуда ҳам кенг кўламда нишонлаш имконига эга бўлдик.

Бу кун нафақат урушда ёки урушдан кейин ўтган ота-боболаримиз, яқинларимизни хотирлаш куни, балки ҳозирда ҳаёт, орамизда яшаётган, умрини эл-юрт равнақи, тинчлигию фаровонлигига бахшида этиб ўтказаётган пиру-бадавлат инсонларни қадрлаш куни ҳамдир. Шу куни кекса отахон-онахонларимизни, бугун кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат инсонларни йўқлаб, дуоларини оламиз, қишлоқларимиз, маҳаллаларимиздаги ногирон, ўзгалар ёрдамига муҳтож, меҳрга ташна якка-ёлғиз кишилар ҳолидан бохабар бўламиз, уларга совға-саломлар улашамиз.

- Бу байрам бизлар учун, умуман, ҳамма-ҳамма учун беқиёс аҳамиятга эга, - дейди навоийлик уруш ва меҳнат фахрийси Иброҳим ака Норов, - бу, айниқса, ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, эл-юртга садоқат ҳиссини тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Гапларимни баландпарвозликка йўйманг, асло, бугун ўтганлар руҳи шод этилиб, бир пайтлар жамоада ҳалол, сидқидил хизмат қилган кишилар эъзоз-эҳтиром этилаётганини кўрган ёшлар қалбида юртига, қилаётган ишига, касби-корига меҳру ихлоси янада баландлайди. Бу юртда, бу жамиятда меҳнатлари ҳеч қачон зое кетмаслигини англаб етади. Умрини муносиб ишлар билан безашга, ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Шундай эмасми!

Дарҳақиқат, шундай. Ахир, “Нима эксанг, шуни ўрасан”, деб бежизга айтмайдилар. Бу кун биз ўтганларни хотирлаш, тирикларни эъзозлаш билан минглаб, миллионлаб ёшларимиз қалбиға эзгулик, меҳр-муҳаббат уруғларини экамиз. Уларни ота-боболарига муносиб бўлишга, яхши ишларимизни, азалий анъаналаримизни давом эттиришга даъват этамиз.

Ўтганлар хотираси ёдланиб, тирикларнинг қадр-қиммати жойига қўйилган юртнинг эртаси, албатта, ёруғ бўлажак.

# Уйғоқ руҳлар

Суҳбатлаша туриб, хиёбондаги қуюқ дарахтзор остига



қўйилган ўриндиқда ёнма-ён ўтирарканмиз, Обиджон бир воқеани айтиб берди. Бундан уч-тўрт йил бурун Тошкентга келган ҳамқишлоқлари гап топиб боришибди. “Хотира майдонидаги “Китоб”да бобонгнинг исми-шарифларини кўрдик” дейишибди.

– Олдинига ишонмадим, – дейди у. – Ахир шу пайтгача бобомни урушда номаълум кетган деб юрардик. Отам раҳматли “Қанийди, қаерда эканликларини билсам”, деб армонда ўтиб кетдилар... Ўша гапдан кейин ишхонадан уч-тўрт кунга жавоб олиб, Тошкентга жўнадим. Тўғри шу ерга келиб, хотира китобидаги урушда ҳалок бўлган самарқандликлар рўйхатини ўқишга тушдим. Бобомнинг исми-шарифларини кўриб, юрагим ҳапқириб кетди. Кўзларимга ёш қуйилиб келди. “Э, шу ишнинг ташаббускори ким бўлсаям отасига раҳмат”, дедим. Бобом руҳларига билганимча тиловат қилдим. Ўшандан бери ҳар йили хотира байрами арафасида албатта Тошкентга, шу Хотира хиёбонига келаман. Зиёрат қилиб, отам раҳматлининг армонлари ушалганига шукрона айтиб, кўнглим таскин топиб қайтаман...

9-май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Хотира майдони янада гавжумлашган. Бу ерда бизга ўхшаб сайр этиб юрган, турли ёшдаги кишилар, нуроний отахонлар чеҳрасига разм ташлайман. Ана, бир гуруҳ қариялар хотира китобини “варақлаяпти”, чамаси ўзларига яқин бўлган кимнингдир исми-шарифларини излашяпти.

– Саксон тўрт ёшга тўлдим, – дейди Зомин туманидан

нинг қиёфалари кўз ўнгимда намоён бўлади. Хаёл бир зумга ўша уруш хотиралари, унинг даҳшатли манзараларига олиб қочади. Шунда шукр қиламан, бугунги тинчликка, тотувликка кўз тегмасин, дея дуолар ўқийман...

**Репортаж**

Гулдаста кўтариб олган бир талай йигит-қизлар айвон ёқалаб бориб мотамсаро она ҳайкали пойига қўлларидаги гулларни қўйишди. Ҳозиргина ЗАГСдан ўтишганлиги кўриниб турган келин-куёв эса шу ерда суратга тушишди...

Буларни кузатарканман, хаёлимга кўп нарса келди. Юртбошимиз ташаббуси билан “Хотира ва Қадрлаш куни” жорий этилгани, Хотира хиёбонида мотамсаро она ҳайкали бунёд бўлгани, миллий услубда айвон қурилиб, ҳар бир вилоятдан урушга кетиб ҳалок бўлган ҳамюртларимиз исми-шарифлари Хотира китобига ўчмас қилиб битиб қўйилгани энг улуғ ва савобли ишларимиздан бири бўлди.

Энди бу ердан йил – ўн икки ой зиёратчилар қадами узилмайди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан, олис-олис шаҳар-қишлоқларидан пойтахтга ташриф буюрган кишилар Хотира хиёбонини албатта зиёрат қилиб қайтишади. Ёшлар, келин-куёвлар мотамсаро она ҳайкали пойига даста-даста гуллар қўйишади.

Энди бу ерга келган кишилар худди Обиджон каби ё бобосини, ё тоғасини, ё қариндоши ёки ҳамқишлоғини, урушда ҳалок бўлган дилбандини, жигарини топиб,

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# Иттифоқчилик тамойиллари – амалда

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведевни қабул қилди.***

- Ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия муносабатлари изчил ривожланиб бораётганининг яна бир ифодасидир, - деди Ислом Каримов. - Ўзаро алоқаларимиз ўтган йилнинг ноябр ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида муттасил тараққий этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари бу шартнома ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворидаги асосий ҳужжат эканлигини таъкидлади. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 23,5 фоиз ортди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон билан Россия сиёсий ва ижтимоий соҳаларда, хавфсизликни таъминлаш масалаларида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ишбилармонлар доирасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда.

Иккала мамлакатда ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар ва миллий дастурлардаги мутаносиблик, давлатларимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ҳамоҳанглик диққатга сазовордир. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш икки мамлакатда ҳам устувор масалалардан саналади.

Д.Медведев Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари сифатида Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга ташриф буюрди. У таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва қишлоқ хўжалиги масалаларини назорат қилади. Бу соҳалар бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар эса ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир.

Шу маънода Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи мазкур соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш юзасидан батафсил фикр алмашиш ҳамда шу йўналишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш учун яхши имкониятдир.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**



***Қарши шаҳрида мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари-2006” республика спорт ўйинлари якунланди.***

# Умид ниҳоллари – келажагимиз

Беш кун давомида юртимиз аҳлининг эътибори ёшлик, нафосат ва спорт байрами мезбонига айланган Қарши шаҳрига қаратилди. Бу ерда мусобақага атаб қурилган ва тўлиқ таъмирланиб, қайта жиҳозланган замонавий спорт иншоотларида икки минг нафардан зиёд иқтидорли, умидли, эпчил ва чаққон спортчи-ўқувчилар баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, стол тенниси, шахмат, футбол, гандбол, бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, енгил атлетика ва сузиш каби спортнинг 12 тури бўйича куч синашди.

Айтиш жоизки, “Умид ниҳоллари-2006” спорт ўйинлари иштирокчилари орасида республика, халқаро миқёсдаги спорт турнирларида маҳоратини оширган ўғил-қизларнинг борлиги мусобақаларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

“Умид ниҳоллари-2006” республика спорт ўйинлари мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган уч босқичли узлуксиз спорт тизими ўз самарасини бераётганини яна бир бор исботлади. Чунки мазкур спорт тизимининг дастлабки ва энг асосий бўғини ҳисобланган “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларида қайд этилаётган натижалар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, сузиш бўйича мусобақаларда уч кун давомида йигирмадан зиёд рекорд натижа қайд этилгани ҳам бу фикрнинг исботидир.



(Давоми 4-бетда)



# Узилган ҳар киприк абад йўқолмас...



## Бебаҳо туйғу

***Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қон тўккан чортоқлик йигитларнинг ярмидан ортиқроғи омон қайтган холос. Икки мингдан зиёд азаматнинг хоки Европада абадий қолиб кетди. Ўлимларни доғда қолдириб келганлар сафи эса тобора сийраклашиб бормоқда. Бу йилги Хотира ва Қадрлаш кунини қаршилаш 92 кишигагина насиб этмоқда. Уларнинг ҳам 60 га яқини ногирон.***

*Меҳр*

–Бу отахонлар ҳам табаррук, ҳам ғанимат, - дейди Чортоқ туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Холмуҳаммад Ғайбуллаев. – Менимча, уларни эъзозлашдан ортиқроқ савобли иш бўлмаса керак.

Мудирнинг айтишича, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"нинг ўтган ойи мобайнида тўққиз нафар фахрийга ногиронлар аравачаси, икки кишига эшитиш мосламаси тортиқ қилинди. Шунингдек, ортопедик протез, ҳасса ва қўлтиқтаёқ масаласидаги мавжуд эҳтиёж тўла қондирилган. Уруш кўрган мўйсафидлардан 30 нафари ўз соғлиғини республика сиҳатгоҳларида мустаҳкамлаб олишди.

Хотира ва Қадрлаш кунида камида 700 киши йўқланади. Уруш қатнашчиларига алоҳида дастурхон ёзиб кўнгиллари овланади, дуолари олинади. Бу мурувват тадбирлари бошида ҳомийлар турибди, уларнинг ҳимматидан уруш ва меҳнат фахрийлари, якка-ёлғиз, эҳтиёжманд кишилар – кўпчилик баҳра олади.

Бундай тадбирлар ҳамма шаҳар, туманларда, меҳнат жамоаларида ўтади, совға-саломлар тайёр. Наманган вилояти бўйича уруш қатнашчилари ва ёши юздан ошган кексалар рўйхати ҳамда уларнинг ҳар бирига бириктирилган ҳомийлар ҳиммати алоҳида китобча ҳолида чиқарилди. Бугун вилоятда 1,5 мингга яқин уруш фахрийси, уч юз нафар юз билан юзлашган отахону онахонлар истиқомат қилишмоқда.

–Шу йилнинг ўзида уларнинг юздан ортиғида ногиронлар аравачаси ва бошқа воситаларга бўлган эҳтиёж қондирилди, - дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М.Ғиёсов. – Хотира ва Қадрлаш кунида бу мўътабар инсонларни қувонтириш учун 30 та аравача, 15 та эшитиш мосламаси, 60 га яқин ҳасса ва қўлтиқтаёқ тайёр. Байрам тадбирларига кела олмайдиган 300 кишининг уйига эса мурувват ташрифлари бўлади.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Дил сўзи*

***Ўт чақнаган ёшлигимнинг 5 йилини оловли жангларда ўтказдим. Неча марта ярадор бўлдим. Ҳозир 2-гуруҳ ногирониман. Ёшим 81 дан ошди. Польшадаги, Руминиядаги, Берлиндаги жангларда қатнашдим. Айни пайтда Қумқўрғон туманининг "Қумқўрғон" хўжалигида яшайман. Президентимиздан, давлатимиздан минг марта миннатдорман, бизнинг, Иккинчи жаҳон урушида қатнашганларнинг қадримизни баланд тутиб келаяпти.***

## Осойишта кунлар шукронаси

Худога шукр, урушдан келиб, ҳаётнинг кўп яхшиликларини кўрдим. Бовримм тўла болалар, неваралар, чеваралар.

Урушда биз енгдик. Ғалаба қилдик. Лекин жуда кўп одам, ёш-ёшгина йигитлар қурбон бўлиб кетди. Урушниям кўрдим, 60 йил бўлди, тинчликни, ободликни кўриб келаяпман. Урушнинг бети қурсин!

Эртаю кеч дуо қиламан: фарзандларим бахтига ҳеч қачон уруш бўлмасин. Болажонларим, қора кўзларим, урушни биз кўрдик, сизлар кўрманглар, дейман. Президентимизга катта раҳмат. Ўзбекистонимиз тинч, обод. Юртимиз йилдан-йилга фаровон бўлаяпти. Бутун дунёда давлатимизнинг обрўси ошаяпти. Бунинг қадрига етайлик. Худо урушнинг юзини тескари қилсин. Тинчлик, тинчлик, фақат тинчлик бўлсин.

**Мусо бобо ҚУРБОНОВ,**
**Қумқўрғон тумани, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 2-гуруҳ ногирони.**





## Эзгулик уйғотади

***Хотира сўзи тилга олинганда негадир уйимизнинг тўрида сурати осилиб турган бобом Жовқон Бурҳонов ҳақида ўйлайман. Айтишларига қараганда, бобом Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб, уруш тугагач, қишлоққа қайтиб келиб, оила қурганлар. Олти ўғил, тўрт нафар қизни вояга етказган бобом 1978 йилда вафот этган. Мен бобомни кўрмаганман. Лекин...***

*Ёруғ хиёбон*

Қавми-қариндошлар жамулжам бўлишиб, ҳар йили Хотира ва Қадрлаш кунида бобом билан боғлиқ хотираларни эслашганда, у киши илиқ гаплар кетганда ҳақида давраларда вужудимни фахрланиш ҳисси эгаллайди. Бобом хушфеъл, олижаноб, ватанпарвар инсон бўлган эканлар.

Ҳа, хотира – муқаддас туйғу. Ўтганларни ёдга олиш, руҳига тиловат қилиш, уларнинг тириклик чоғида амалга оширган эзгу ишларини эслаш қандайин яхши!

Мен таҳсил олаётган коллежда ҳам ана шу муқаддас туйғу эъзозда. Бир пайтлар коллежимизда ишлаган устозлар, шу ҳудудда яшаган ардоқли кишиларнинг пок номлари турли бадиий кечалар ва тадбирларда тез-тез тилга олинади. Айниқса, Хотира ва Қадрлаш кунида бундай олижаноб кишиларнинг эсга олиниши биз, ёш авлод қалбида эзгуликка, яхшиликка муҳаббат уйғотади.

**Темурмалик ЖОВҚОНОВ,**
**Самарқанд молия коллежи I курс талабаси.**

*Эъзоз*

***Туманимизда саҳронинг илк ўзлаштирувчилари меҳнати доимо ардоқда.***

## Қадрласанг, қадр топасан

– Хотира ва Қадрлаш кунини ҳар йили кўтаринки руҳ билан нишонлаймиз. Бу тадбир ўтган аждодларимиз ёдини улуғлашнинг ибратли намунаси. Бобокалонларимиз ҳам ўтганларнинг руҳини доимо шод қилишга интилганлар. Йиғинимиз ҳудудидаги 5 та овулда 4665 нафар аҳоли истиқомат қилаяпти. Шулардан 356 нафари меҳнат ва уруш фахрийлари. Куни кеча Ақчакўлда ҳам кексаларимизни эъзозлаб тадбир ўтказдик. Қарияларимизнинг хонадонларига бориб, ҳолидан хабар олдик.

**Усмон РАЙИМБОЕВ,**
**Элликқалъа тумани Ақчакўл овул фуқаролар йиғини раиси.**

## Жаҳаннамга қиёс жанггоҳлар эди

***Ўн саккиз ёшли йигитнинг кўнгли орзуларга лиммо-лим бўлади. Ўқисам, ҳаётда ўз ўрнимни топсам, дейди. Ўшанда Тўранинг минглаб тенгдошлари қатори шу ширин орзуларни бир чеккага суриб қўйишига тўғри келган.***

*Ўғлим, сира бўлмасин уруш!*

Чунки, 1942 йилнинг ёзи, уруш айни авж паллага чиққан пайт эди.

– Август ойи бошларида армияга сафарбар қилиндим, – дейди у. – Самара шаҳрига яқин ерда жойлашган 22-ўқчи полкида шофёрлик курсида ўқидим. Кейин эса Ғарбий фронт ихтиёридаги 9-гвардиячи танк бригадасининг 33-ротасида хизмат қилдим. Елена, Смоленск, Орша каби шаҳарларни озод этишда қатнашдим. Кейин Украина, Молдова, Венгрия, Чехия, Словакияни гитлерчилардан тозаладик. Беҳад кўп қурбонлар берилди. Ҳалок бўлган йигитларни эсласам, ҳали-ҳануз юрагим ўртанади. Уруш жаҳаннамнинг ўзи, ўғлим. Уруш туфайли қанчадан-қанча ватандошларимизнинг гулдек умри хазон бўлди, хоклари ўзга юртларда қолиб кетди...

Фашизм енгилди. Аммо дунёнинг нариги бурчагида ҳали уруш олови ўчмаганди. Тўра ака хизмат қилаётган танк бригадасини Забайкал фронти ихтиёрига ўтказишди. Хитой шаҳарларини япон милитаристларидан озод этиш учун жанглар бўлиб ўтди. Кейин эса қарийб уч ярим йиллик айриликдан сўнг она юрт – Ўзбекистонга қайтиш насиб этди.

– Болалигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қилардим, – дейди Тўра бобо Жўраев. – Урушдан қайтсам, Шофирконда Бухоро ўқитувчилар тайёрлаш институтининг филиали очилган экан. Шу ерда таҳсил олдим. Кейин эса ўзим ўқиган мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бера бошладим.

Тўра Жўраев 47 йил давомида 6-ўрта мактабда ёшларга таълим-тарбия берди. Мактаб ўз уйидек қадрдон бўлиб қолган. У кишининг айтишича, мактаб 1912 йилда Имомназар бобо деган кишининг меҳмонхонасида ташкил топган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Иброҳим Мўминов, буюк санъаткор Раззоқ Ҳамроевлар шу мактабда сабоқ олишган. Биргина шу мактабдан беш нафар фан доктори етишиб чиққани ҳам кўп нарсани англатади, албатта.

Тўра бобо Жўраев ҳозир 82 ёшда. Шогирдларини учратиб қолса, кўнгли яйрайди. Мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларини кўриб, эшитиб суюнади. "Буларнинг бари тинчлик шарофатидан", дейди. Уруш ҳақида сўз очилган паллада "уфф" тортади, аччиқ хотиралар қуршовида қолади. Кейин эса "Урушнинг номи ўчсин", дейди. Уруш кўрган инсоннинг, бутун Ўзбекистоннинг тилаги шу: Урушнинг номи ўчсин!

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Далил ва рақамлар*

## Еру кўкни титратган даҳшат

* Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даҳшатини бошдан кечирган ва ғалабага улкан ҳисса қўшган мамлакат.

Гарчанд юртимизга фашизм балоси ёпирилиб кирмаган бўлса-да, халқимиз фронт ортида мустаҳкам турди. Ўлкадан озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми фронтга жўнатилди.

* Ўзбекистонда ҳеч бир хонадон йўққи урушнинг жабрини тортмаган бўлса. Кимнингдир бобоси, амакиси, қавми-қариндоши, тоғаси, ака-укаси ана шу урушда ҳалок бўлган. Улар бугунги авлодларнинг ҳам боболаридир.

* –Бобомизнинг беш ўғли бўлган. Отамиз ана шу беш ака-уканинг тўнғичи экан. Мен 2 ёшлигимда уларнинг беш нафари ҳам урушга кетишади. Афсуски, беш ака-укадан ҳеч бири жангдан қайтмади. Уларнинг ҳар қайсисидан 2-3 нафардан етимлар қолди, - дейди Олтинсой тумани "Ширин" ширкат хўжалигида яшовчи Эргаш ака Меликулов.

*– Болалигим уруш йилларига тўғри келди. Очарчилик даҳшатини эсласам, ҳозир ҳам титраб кетаман, - дейди Косон тумани Некуз қишлоғидан 77 ёшли Номоз бобо. – Оч эдик. Янтоқнинг баргига ёпишган оқ кукунни қириб, қайнаган сувга солиб ичардик. Озгина бўлсаям шираси чиқарди-да. Кун бўйи буғдой ўриб бир ҳовуч бўлсаям дон олиб келолмасдик. Фронтга жўнатишарди.

* – Даланинг иши биз болаларнинг елкасида эди. Қанчалик ҳориб келмайлик, очликдан кечалари ухлай олмай чиқардик. Эслайман, амакимнинг мен тенги ўғли кунжара еб шишиб ўлганди. У кунларни худо кўрсатмасин, – деб эслайди Чуст тумани Олмос қишлоғидан ўқитувчи Хурсанали Калонов.

* Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1,5 миллион киши жангда иштирок этди.

* Шу урушда Ўзбекистоннинг 400 мингга яқин ўғил-қизи ҳалок бўлди, бедарак йўқолди.

* 177775 нафар ўзбекистонлик орденлар билан тақдирланди.

* 338 нафар Ўзбекистон фарзанди урушда Қаҳрамон унвонига эга бўлди.

* 53 нафар жангчи эса "Шуҳрат" орденининг тўлиқ нишондори.

* Уруш пайтида 1 миллиондан ортиқ одам ва 200 мингга яқин болалар Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Ўзбекистон уларга ўз бағридан жой берди.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**
**тайёрлади.**

## "Ҳамон ёнимизда"

***Паркентлик старшина Ваҳобжон Нуриддинов 1989 йилда Ангрен шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида милиционер-кинолог вазифасида иш бошлаган. Сўнгра Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ИИБ ва Қизилтоғ қўрғони милиция бўлими пост-патрул хизмати бўлимларида, марказлаштирилган қўриқлаш пультларида, Паркент тумани ИИБ йўл-патрул хизмати инспектори вазифаларида сидқидилдан хизмат қилган.***

Ваҳобжон Нуриддинов 2003 йилдан Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патрул хизмати батальонининг сафарбарлик гуруҳи инспектори вазифасига тайинланганди. 2004 йил март ойида Қибрай тумани "Қорамурт" постида террорчилар томонидан содир этилган портлаш натижасида ҳалок бўлди. Ваҳобжоннинг ҳаёти эвазига юртимизнинг энг гавжум жойларига офат келтиришга мўлжалланган қўпорувчилик ашёлари, қуроллар йўқ қилинди.

Ваҳобжон Нуриддинов ўлимидан сўнг "Жасорат" медали билан тақдирланган.

– Дадаси билан етти фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Ваҳобжоним олтинчи болам эди, – деб кўзига ёш олди Салима ая. – Уларга уй олиб алоҳида чиқарган бўлсак ҳам, ҳамиша хабардорим эди. Ишга кетишида, қайтишида кириб, камчиликларимни сўраб турарди. Ҳар куни суратига боқиб йиғлайман.

*Соғинч*

– Ўғлим билан охирги марта 28 март куни кўришгандик, – дейди отаси Жуман Нуриддинов. – Икки кун ўтмасданоқ эса вафот этганлиги ҳақидаги совуқ хабар келди. Шу тобда бошимга оғир гурзи тушгандек бўлди. Мамлакатимиз тинчлигига ҳасад қилган террорчиларга лаънатлар ўқидим. Фарзандларим орасида Ваҳобжоним ўзининг меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги билан ажралиб турарди.

– Кўпинча постда бирга турганмиз. Жуда сезгир, касбий маҳорати кучли эди, – деб хотирлайди Красногорск қўрғони милиция бўлими навбатчилик қисмининг катта нозири, капитан Шуҳратжон Адашев. – Узоқдан келаётган кишининг характерини, кимлигини адашмай айтарди. Навбати тугаб, кетиши керак бўлса, «Сиз кетмайсизми», деб сўрарди. Ўрнимга навбатчи келмай турган бўлса, кемага тушганнинг жони бир, деб у ҳам кутиб турарди. Жиноятларнинг ечимини тез топарди.

– Укам Ваҳобжон оиламизда ота-онамнинг энг ишончли ва суянган ўғли эди, – дейди Илҳомжон Нуриддинов. – Қаерда бўлмасин, ота-онамни йўқлашга вақт топар, уларнинг маслаҳатлари билан иш қилар эди. Умрида ичмаган, чекмаган, спортни жуда севарди. Бокс билан шуғулланарди. Унга ўзим ҳам суянардим, фахрланардим.

– Ваҳобжонлар оиласини узоқ йиллардан бери биламан, – дейди маҳалла қўмитаси раиси Турғун Шарофиддинов. – Бу хонадон ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига умргузаронлик қилади. Маҳалламиз аҳлининг уларга ҳурмати чексиз. Ваҳобжоннинг вафоти Номданак қишлоғи учун оғир йўқотиш бўлди.

– Турмуш ўртоғим билан ўн тўрт йил бирга яшадик, – хотирлайди Дилобар Нуриддинова. – Иноқ, тотув, ҳамманинг ҳаваси келадиган оила қурдик. Фарзандларимиз Аброржон ва Садоқатга меҳрибон ота эди. Ҳеч қачон бизни ёлғиз ташламас, ардоқлаб юрар эди. Ота-онасининг дуосини олиб, кейин ишга кетарди.

Биз учун Ваҳобжон акам ўлмагандек. Ҳамон ёнимизда ҳис этамиз. Болаларим дадасини ҳар куни эслашади. Ўғлим Аброржон, қизим Садоқатхон дадасининг ушалмаган орзуларини рўёбга чиқаради насиб этса. Бунга қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Руҳларини шод қилиб, тириклигида ҳурмати қандай бўлса, ёди ҳам шундай эъзозли бўлиб қолади.

**Х.БОБОМУРОДОВА**
**ёзиб олди.**





Б.АКРАМОВ олган суратлар.

## У кунлар машаққатли эди

***Болалик давримиз уруш йилларига тўғри келди. Қишлоғимиз ҳувиллаб қолувди ўшанда. Ҳамма ишни аёллар-у чоллар бажаришарди. Муаллимамизнинг бизларни тўплаб кўзида ёш билан айтган мана бу гаплари қулоғим остида ҳали-ҳануз жаранглаб турибди:***

*Ғалабанинг ўзи келмаган!*

–Болалар, энди сизлар ҳам катта бўлиб қолдинглар. Фронт ортида хизмат қилиш ҳам ғалабага ҳисса қўшиш, дегани. Оналаринг, боболаринг қаватига киринглар, улар толиқиб қолишаяпти.

Уруш бизни эрта улғайтирди. Беғубор болалигимиз машаққат ичида кечди...

Набираларим тўқликка шўхлик қилганида доим уруш йилларини гапириб бераман. Қорнимиз нонга тўймасди. Раҳматли онам ҳар куни бир ҳовуч жўхорини тугиб, атала қилиб берардилар. Бирам ширин бўлардики, асти қўяверинг. Ўшанда онам айтардиларки, ҳали шундай замонлар келади, фаровонлик, тинчлик, тўкинлик бўлади. Ўшанда нонининг қадрига етинглар, меҳр-оқибатни унутманглар.

Мана ўша замонлар келди. Элу юрт тинч, хотиржам. Юртимизда хотира ва қадрлашдек эзгу ишга қўл урилган экан, мен фронт ортида хизмат қилган кекса аёл сифатида ҳукуматимизга мингдан-минг раҳмат айтаман. Илоҳим, юртимизга Мустақиллик билан бирга кириб келган бахту иқбол, қут-барака, тинчлигу хотиржамликка кўз тегмасин.

**Манғит момо ЭШМУРОДОВА,**
**Қарши туманидаги Чороғил қишлоғи.**

## Яхшилик беиз кетмас...

***Даргоҳимизда 160 нафар ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғиз қария ва ногиронлар истиқомат қилади. Уларнинг 110 нафарини эркаклар ва қолганини аёллар ташкил этади.***

Бу ерда барча шароитлар яратилган, икки қаватли ётоқхона, ошхона, тиббий муолажа хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Яқинда яшаш хоналари ва ошхона капитал таъмирлашдан чиқарилди. Бунинг учун бюджет маблағидан 23 миллион сўм, ҳомийлик ёрдамлари ҳисобидан эса 20 миллион сўм сарфланди.

Ҳар байрам, ҳайитда ҳомийлар ногирон ва қариялардан хабар олиб туришади. Бобур номли ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ва Андижон Давлат тиббиёт институти асосий оталиқ ташкилотларимиз ҳисобланади.

Ўзбек халқи азалдан саховатли, бағри кенг халқ, оддий фуқаролар, бой-бадавлат кишилар қарияларни йўқлаб кўп келишади. Ҳатто дошқозон тўла тайёр ош, кийим-кечак ва бошқа зарур нарсаларни билдирмай остонамизга қўйиб кетадиганлар ҳам бисёр.

*Саховат*

"Саховат уйида" узоқ умр кўраётган кексалар алоҳида эътиборга олинган. Уларнинг юбилей тантаналарини нишонлаш анъаналарга айланиб қолган. Тўғри, катта дабдаба, қимматбаҳо совға-саломларга кучимиз етмайди. Аммо бир пиёла чой устида ширин сўз билан айтилган табриклар ҳам улар руҳини кўтариб юборади. Бир неча ойдан сўнг табаррук онахон Анжела Гонцеванинг 100 ёшини нишонлаймиз.

Айрим қарияларимизнинг бошқа мамлакатлар, асосан, Россияда қавм-қариндошлари, фарзандлари бор. Улар тез-тез чорлашса-да, негадир боришмайди. Яқинда Зина ҳола деган онахонни ўғиллари Москвага олиб кетишди. Катта лавозимларда ишлашаркан. Шароитлар ҳам, қаров ҳам яхши. Лекин кўп ўтмай Зина хола қайтиб келди. Сабабини сўрасак, шундай деди:

–Андижон, Ўзбекистон менинг асл Ватанимдир. Кўп яхши кунларим шу ерда ўтди. Унинг бебаҳо тупроғи, очиқ кўнгил одамларини соғиниб қолдим. Ўлсам, шу ерда ўлай, шу азиз тупроққа бош қўяй, деб келавердим...

Қарияларимиз учун хизмат қилаётган 70 нафар ходим ўз фарзандларига айланиб қолишган. Қариган чоғларидаги машаққатларини енгиллаштираётганимиз, ғариб кўнглига дармон бўлаётганимиз бизнинг уларга эътиборимиздир.

**Нозимжон ХОЛДОРОВ,**
**Андижондаги "Саховат уйи" директори.**

